

**БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ  
ЭТГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК БҮЙИЧА ХОРИЖИЙ  
ТАЖРИБА**

Эшонхонов Камолхон Маматхонович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил  
изланувчиси Мажбурий ижро бюроси Кўқон шаҳар бўлими бошлиғи

**Аннотация:**

Мазкур мақолада банд солинган мулкни қонунга хилоф равишида тасарруф этганлик учун жиноий жавобгарлик бўйича хорижий тажриба таҳлил қилинганд. Энг муҳими рўйхатга олинганд ёки банд солинган ёхуд мусодара қилиниши лозим бўлган мулкка нисбатан ноқонуний ҳаракатлар учун жавобгарлик масалаларига урғу бериб ўтилган. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинганд.

**Қалит сўлари:** жиноят қонуни, жиноят ишини қўзғатиш, гаров, мол-мулк, шариат қоидалари, жавобгарлик, хорижий тажриба, ҳуқуқ ва эркинликлар.

Банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этганлик учун жиноий жавобгарлик бўйича хорижий тажрибани ўрганишда қўйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

қонунчилигимиз, жумладан жиноят қонунчилиги асослари, тузилиши ўхшаш бўлган давлатлар (собиқ совет иттилоғи таркибида бўлган, ҳозирда мустақил давлатлар) тажрибаси;

ҳуқуқ тизими ва жиноят қонунчилиги жиддий фарқ қиласиган давлатлар тажрибаси.

Дастлаб, қонунчилигимиз яқин бўлган давлатлар жиноят қонунчилигини кўриб чиқамиз. Россия ЖКнинг одил судловга қарши жиноятлар бобида жойлашган 312-моддасида рўйхатга олинганд ёки банд солинган ёхуд мусодара қилиниши лозим бўлган мулкка нисбатан ноқонуний ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганд. Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ, рўйхатга олинганд ёки банд қилинганд мулкни, бундай мулк ишониб топширилган шахс томонидан растрата қилиш, бегоналаштириш, яшириш ёки ноқонуний бошқа шахсга бериш, шунингдек кредит ташкилоти хизматчиси томонидан банд солинган банк хисоб вараклардаги пул маблағлари билан банк операцияларини амалга оширганлик учун жавобгарлик белгиланганд.

Ушбу модданинг иккинчи қисмida суд ҳукмiga мувофиқ мусодара қилиниши лозим бўлган мулкни яшириш ёки ўзлаштириш, шунингдек мулкни мусодара қилиш ҳакидаги суднинг ҳукмини ижро қилишдан бошқача тартибда бўйин товлаганлик учун жавобгарлик белгиланганд<sup>1</sup>.

А.А.Кирьянов фикрича, РФ ЖК 312-моддаси биринчи қисмida назарда тутилган

<sup>1</sup> Уголовный кодекс РФ. [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/63dbd5603f0bf9614a42df25ef7b641669fa3ffd/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/63dbd5603f0bf9614a42df25ef7b641669fa3ffd/)

жиноятнинг предмети бўлиб, фақат қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган ёки хатланган мулк ҳисобланади<sup>2</sup>.

РФ ЖК 312-моддасининг ўзига хослиги, унда нафақат рўйхатга олинган ёки хатланган мулкка нисбатан, балки суд ҳукми билан мусодара қилиниши лозим бўлган мулкка нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Фикримизча, РФ ЖК 312-моддасида мусодара қилиниши лозим бўлган мулкнинг алоҳида белгиланиши тўғри эмас, чунки мусодара қилиниши лозим бўлган мулк ҳам аввало рўйхатга олинади, хатланади, кейин уни сақлаш учун кимгадир топширилади. Демак, барibir мулк хатлаш жараёнидан ўтади ва мусодара қилиниши лозим бўлган мулк ҳам хатланган бўлади. Бу ерда мусодара қилинадиган мулкни алоҳида кўрсатиш нотўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки, мусодара қилиниши лозим бўлган мулк олдиндан рўйхатга олинмаган ва хатланмаган ва уни сақлаш кимгадир топширилмаган бўлса, бундай мулкни тасарруф қилиш қонуний ҳисобланади.

Украина ЖКнинг 388-моддаси ҳам мазмуни жиҳатидан РФ ЖК 312-моддасига яқин ҳисобланади. Ушбу модда ҳам икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида хатланган мулкка нисбатан ноқонуний ҳаракатлар қилингани учун жавобгарлик белгиланган. Бунда Россия қонунчилигидан фарқли равишда кредит ташкилоти хизматчиси эмас, балки банк ёки бошқа молия муассасаси ходими томонидан банк операцияларини амалга оширган шахслар ҳам жавобгар бўлиши белгиланган. Иккинчи қисмида қонуний кучга кирган суд ҳукми бўйича мусодара қилиниши лозим бўлган мулкка нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар содир қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган<sup>3</sup>.

Беларусь ЖК 408-моддаси рўйхатга олинган ёки хатланган мулкка нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар деб номланиб, у бир қисмдан иборат. Унга мувофиқ, қонунда белгиланган тартибда ашёвий далил деб ҳисобланган ёки рўйхатга олинган ёхуд хатланган мулкни ушбу мулк ишониб топширилган шахс томонидан шикаст етказиш, сарфлаб юбориш, яшириш ёки бегоналаштириш (талон-торож аломатлари бўлмаган ҳолда), шунингдек банк ходими ёки нобанк кредит-молия ташкилоти ходими томонидан хатланган ҳисоб рақамлар ёки омонатлар (депозитлар)даги пул маблағлари билан боғлик операцияларни ўтказганлик учун жарима, қамоқقا олиш ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган<sup>4</sup>.

Фикримизча, Беларусь ЖК да ушбу масалага нисбатан тўғри ёндашув мавжуд. Биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, мусодара қилинадиган мулк ҳам дастлаб хатланишидан келиб чиқкан ҳолда, бу ерда мусодара қилинган мулкни тасарруф этганлик квалификация қилувчи белги сифатида кўрсатилмаган. Иккинчидан, ушбу қилмишнинг ўзгалар мулкини талон-торож қилишдан фарқини аниқлаштиришда

<sup>2</sup> Кирьянов А.А. Незаконные действия в отношении имущества, подвергнутого описи или аресту либо подлежащего конфискации // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. № 1. (97) 2023. С. 87-92

<sup>3</sup> Уголовный кодекс Украины. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.03.2023 г.) [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30418109&pos=3579;-84#pos=3579;-84](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109&pos=3579;-84#pos=3579;-84)

<sup>4</sup> Уголовный кодекс Республики Беларусь (с изменениями и дополнениями по состоянию на 09.03.2023 г.) [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30414984#pos=3509;-58](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30414984#pos=3509;-58)

муаммолар борлигини ҳисобга олган ҳолда, Беларус ЖКда ишониб топширилган мулкни бегоналаштиришда талон-торож аломати бўлмаганидагина қилмиш ЖК 409-моддаси билан квалификация қилиниши лозимлиги белгиланганидир. Бу амалиётда қилмишни ҳам талон-торож ҳам хатланган мулкка нисбатан қонунга хилоф равишда квалификация қилишни олдини олади. Ўз навбатида бундай ёндашув қилмишнинг объекти айнан одил судлов манфаатлари эканлигини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Қозоғистон ЖКнинг 425-моддаси ҳам Россия ЖК 312-моддаси каби рўйхатга олинган ёки хатланган ёхуд мусодара қилиниши лозим бўлган мулкка нисбатан ноқонуний ҳаракатлар қилиш деб номланади ва ушбу модданинг биринчи ҳамда иккинчи қисмлари мазмунан ҳам РФ ЖК 312-моддасини такрорлайди. Аммо, Қозоғистон ЖК РФ ва Украинадаги худди шундай нормалардан фарқли равишида оғирлаштирувчи ҳолатларни алоҳида қисмлар қилиб жавобгарликни белгилаган.

ЖК 425-моддасининг учинчи қисмида шу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолатлар а) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, б) такроран содир этилганлиги учун; тўртинчи қисмида модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган қилмишлар кўп миқдорда содир этилганлиги учун; бешинчи қисмида а) жиноий гурух томонидан, б) жуда кўп миқдорда содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу жиноят учун жавобгарлик ҳам анча қаттиқ бўлиб, бешинчи қисмида мол-мулкини мусодара қилиб, етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган<sup>5</sup>.

Озарбайжон ЖКнинг 303-моддаси номланиши ва матни РФ ЖКнинг ўхшаш моддаси номи ва матни билан деярли бир хил бўлиб, фақат белгиланган жазо турлари бироз фарқланади. Озарбайжон ЖКнинг ўзига хосликларидан бири озодликдан маҳрум қилишнинг жарима жазоси билан бирга қўлланилиши мумкинлигига намоён бўлади. Жумладан, ЖК 303-моддасининг иккинчи қисмида минг манатдан икки минг манатгача бўлган жарима қўллаган ҳолда икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган<sup>6</sup>. Ушбу жиноят ҳам одил судловга қарши жиноятлар бобида жойлашган.

Арманистон ЖКнинг 345-моддаси ҳам ўз номи ва мазмуни, тузилишига кўра РФ ЖК 312-моддасини деярли такрорлайди<sup>7</sup>.

Қирғизистон ЖК ўрганилаётган қилмиш борасида ўзгача ёндашганлигини кўриш мумкин. Ушбу мамлакатда рўйхатга олинган ёки хатланган ёхуд мусодара қилиниши лозим бўлган мулкка нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар одил судловга қарши жиноятлар эмас, балки бошқарув тартибига қарши жиноятлар бобида жойлаштирилган<sup>8</sup>. Ўз мазмунига кўра, модда матни РФ ЖК 312-моддаси матнини деярли такрорласада, аммо одил судловга қарши жиноят сифатида баҳоланмаслиги, амалиётда учраётган, судда ишларни кўриш билан боғлиқ бўлмаган мулкни хатлаш ҳолатлари (масалан, солик

<sup>5</sup> Уголовный кодекс Республики Казахстан. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 24.07.2023 г.) [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575252&pos=6383;-31#pos=6383;-31](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=6383;-31#pos=6383;-31)

<sup>6</sup> Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 30.05.2023 г.) [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353#pos=3617;-58](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353#pos=3617;-58)

<sup>7</sup> Уголовный кодекс Республики Армения. <http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1349&lang=rus&sel=show#31>

<sup>8</sup> Уголовный Кодекс Кыргызской Республики. (по состоянию 07.07.2023 г.) <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112309>

қарздорлиги учун мулкни хатлаш)ни квалификация қилишдаги қийинчиликларга ечим бўлиши мумкин (одил судлов манфаатлари йўқлиги сабаб, бу ушбу модда таркибини ташкил қиласмида, деган қарашларни истисно қиласди).

Тожикистон ЖКнинг 362-моддаси ҳам номланиши ва матнига кўра РФ ЖК 312-моддасини деярли такрорлаб, ушбу қилмиш ҳам одил судловга қарши жиноятлар бобида жойлаштирилган<sup>9</sup>.

Туркманистон ЖКнинг 206-моддаси ҳам худди Тожикистон ЖК каби РФ ЖК 312-моддаси матни ва мазмунини деярли такрорлайди<sup>10</sup>.

Молдова ЖКда ушбу масала бироз бошқа муносабатлар (объект нуқтаи назаридан) сифатида баҳолангандигини кўриш мумкин. Молдова ЖКнинг иқтисодий жиноятлар бўлимидаги жойлашган 251-моддасида гаровга қўйилган, музлатилган, лизингга олинган, хатланган ёки мусодара қилинган мулкни ўзлаштириш, ноқонуний бегоналаштириш, яшириш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бундай мулк ишониб топширилган ёки қонун бўйича бу мулкни сақлаши шарт бўлган шахс томонидан содир қилинганлиги учун жавобгарлик белгиланган<sup>11</sup>.

Фикримизча, ушбу давлат қонунчилигига кўриб чиқилаётган жиноятнинг объектини белгилаш бўйича тўғри ёндашув мавжуд. Чунки, суднинг қарори ёки бошқа ташкилотлар қарори асосида, банк кредити, лизинг асосида хатланган, гаровга қўйилган, банк операциялари ўтказилиши тўхтатиб қўйилган ёхуд мусодара қилинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этганлик одил судлов манфаатларидан анча кенг турдаги ижтимоий муносабатларни ташкил қиласди.

Шунингдек, модда диспозициясида мулк ишониб топширилган шахсдан ташқари бундай мулкни қонунга мувофиқ сақлаши шарт бўлган шахслар ҳам жиноят субъекти бўлиши белгиланган.

Бундан ташқари Молдовада юридик шахсларнинг ҳам жиноий жавобгарлиги мавжудлиги сабабли, мазкур қилмиш учун юридик шахслар жавобгарлиги қўрсатилган. Жумладан, ушбу қилмиш учун жисмоний шахслар 1350 дан 1850 шартли бирликларда жарима, муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланишини ман қилиб ёки қилмасдан 3 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, юридик шахсларга эса муайян фаолият билан шуғулланиш хукуқидан маҳрум қилиб, 1000 дан 3000 шартли бирликкача жарима жазоси белгиланган.

Германия Жиноят кодекси Махсус қисмининг жазоланадиган гараз деб номланадиган 25-бўлимидаги айрим қилмишлар мазмунан диссертация тадқиқоти обьекти бўлган жиноятга ўхшаш эканлиги аниқланди. Мажбурий ижро иши юритувига тўскинлик қилиш деб номланган §288 да мажбурий ижро иши юритуви муносабати билан кредиторга тўскинлик қилиш мақсадида ўз мулкининг бир қисмини бегоналаштирса ёки мулкига нисбатан бирор-бир ҳаракат қилишни истисно қиласиган қилиб қўйса (мулкни яшириб қўйиш, мулкни бошқа шахслар номига ўтказиб қўйиш, сохта олди-сотди

<sup>9</sup> Уголовный кодекс Республики Таджикистан. (по состоянию 24.07.2023 г.) <http://ncz.tj/content....>

<sup>10</sup> Уголовный кодекс Туркменистана. [http://www.untuk.org/publications/legislation/ug\\_kod/rz\\_10.htm#st206](http://www.untuk.org/publications/legislation/ug_kod/rz_10.htm#st206)

<sup>11</sup> Уголовный кодекс Республики Молдова. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.07.2023 г.) [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30394923#pos=3393;-56](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=3393;-56)

шартномасини расмийлаштириш, гаровга қўйиш ва ...) икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланиши белгиланган.

Ушбу қилмиш фақат жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатиладиган ишлар тоифасига киради<sup>12</sup>.

Германия жиноят қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири Maxsus қисм нормаларида муайян қилмиш учун белгиланган жарима жазосининг миқдори кўрсатилмаслигидир. Судья Умумий қисм қоидаларидан келиб чиқиб, тегишли модда бўйича жарима жазоси миқдорини ўзи белгилайди.

Шунингдек, § 289да гаровга қўйилган мулкни эгасига ноқонуний қайтариб берганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга мувофиқ гаровда турган мулкни гаров сақловчидан ёки ундан фойда олиши керак бўлган шахсадан қонунга хилоф равишда олиб қўйса, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоси билан жазоланиши белгиланган. Ушбу жиноят ҳам жабрланувчи шикоятига асосан қўзғатиладиган ишлар тоифасига киради.

§ 290 да эса, гаровга қўйилган мулклардан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, гаровга қўйилган мулклардан тегишли ваколати бўлмаган ҳолда фойдаланганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Франция ЖКнинг 314-5. ва 314-6.-моддаларида гаровга қўйилган ёки хатланган мулкни ўзлаштирганлик учун жавобгарлик белгиланган.

314-5.-моддага мувофиқ, қарздор, гаровга олган ёки гаровга берган учинчи шахс томонидан гаров мулкини нобуд қилиш ёки ўзлаштиришда ифодаланадиган қилмишни содир қилиш уч йилгача қамоқ жазоси ёки жарима билан жазоланиши белгиланган. Бундай қилмишни содир этишга суиқасд қилиш ҳам айнан шундай қилмиш каби жазоланади<sup>13</sup>.

314-6-моддада мол-мулки хатланган шахс томонидан кредитор талабларини қондириш учун қарздорда турган ёки уни қўриқлаш учун масъул бўлган учинчи шахсларда бўлган мулкни нобуд қилиш ёки ўзлаштиришда ифодаланган қилмишни содир этиш уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоси билан жазоланиши назарда тутилган.

Бу иккала модданинг бир-биридан фарқи 314-5-моддада гаровга қўйилган мулкка зарар етказганлик учун, 314-6-да эса хатланган мулкка зарар етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилганлигида ифодаланади.

Албатта, хуқуқий тизимлардаги ўзига хосликлар муайян қилмишлар учун жиноий жавобгарликни белгилашда ҳам акс этади. Айрим давлатларда хатланган мулкка зарар етказиш, уни ўзлаштириш одил судловга қарши жиноят сифатида баҳоланса, айримларида мулкка қарши жиноятлар, айримларида иқтисодиёт асосларига қарши жиноят сифатида баҳоланган.

Хитой, Япония, Нидерландия, Германия, Франция, Швеция, Швейцария Дания, Италия ва бошқа бир қанча давлатлар жиноят қонунчилигига мажбурий ижро этилиши керак бўлган, гаровга қўйилган мулкларга шикаст етказганлик, яширганлик,

<sup>12</sup> Головнёнков П. В. Уголовное уложение Федеративной Республики Германия – Strafgesetzbuch (StGB).

Научно-практический комментарий и перевод текста закона. С.395

<sup>13</sup> Уголовный кодекс Франции. [https://yurist-online.org/laws/foreign/criminalcode\\_fr/\\_doc-5-.pdf](https://yurist-online.org/laws/foreign/criminalcode_fr/_doc-5-.pdf)

бегоналаштирганлик каби құлмишлар учун жавобгарлик белгиланған. Албатта, ушбу тажрибаларни тұғридан-тұғри қонунчилігимизга қабул қилиб бўлмасада, уларни тадқиқ қилиш асосида нафақат қонунчилігимизни, балки жиноят ҳуқуқи назариясини ҳам бойитадиган натижаларни олиш мумкин.

Тадқиқот мавзусига ўхаш құлмишлар Европа, АҚШ ва Осий мамлакатлар жиноят қонунчилігіда қуйидаги умумий күринишларда учраши кузатилди:

ўз иқтисодий имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда кредитлар устига яна кредитлар олиш, катта миқдордаги қарзлар бўйича кафолатлар бериш, ўз молиявий ишларини тұғри олиб бормаслик натижасида зарап етказиш;

қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш;

ўзининг хатланған ёки хатланиши лозим бўлған мулкни бошқа жойга ўтказиш, яшириш, растрата қилиш, бегоналаштириш ёки нобуд қилиш;

эҳтиётсизлик орқасида хатланған мулкни бошқа жойга ўтказиш, яшириш, нобуд қилиш, шикаст етказиш;

хатланған мулк сақланаётган бинодан хатланған мулкни олиб чиқиш, бундай бинолардаги муҳрға, бинони ёпик ҳолда сақлайдиган ускуналарга зарап етказиш (муҳрланған ёзувлар олиб ташлаш, қулфларни бузиш ва ҳ.к.);

хатланған мулк сақлаш учун топширилган шахс томонидан мажбурий ижро этиш ҳаракатларига қаршилик қилиш, бинога киритмаслик, расмий топшириқларни бажармаслик<sup>14</sup>.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш қуйидаги умумий хулосаларга келиш имконини берди:

1. Собиқ совет иттифоқи таркибида бўлиб, ҳозирда мустақил бўлған давлатлар жиноят қонунчилігіда хатланған мулкни қонунга хилоф тасарруф қилғанлик учун жавобгарлик белгиланған нормалар бир-бирига ўхаш бўлсада, айрим ўзига хосликлар ҳам борлигини қайд этиш лозим. Биринчидан, ушбу құлмишнинг обьектини белгилашдаги ёндашувлар. 1) РФ, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистан, Озарбайжон, Арманистанда одил судловга қарши жиноят сифатида, 2) Қирғизистонда бошқарув тартибига қарши жиноят сифатида, 3) Молдовада иқтисодий жиноятлар сифатида баҳоланған.

<sup>14</sup> Robert Golobinek, Financial Investigations and Confiscation of Proceeds from Crime. Training Manual for Law Enforcement and Judiciary. CARDS Regional Programme 2002/2003. Council of Europe, c. 9.; <https://www.oecd.org/daf/antibribery/countryreportsontheimplementationoftheoecdanti-briberyconvention.htm.;> M. Michelle Gallant, Money Laundering and the Proceeds of Crime: Civil Remedies and Economic Crime (London: Edward Elgar Publications, 2005), c. 86.; Disposal of confiscated assets in the EU Member States. Laws and Practices. Center for the study of democracy. 2014, c. 18.; Marieta Safta, Ph. D., Presumption of lawful acquirement of property and confiscation of unlawfully acquired property in the case-law of the Romanian Constitutional Court. The reference constitutional framework for regulating of the extended confiscation. Juridical Tribune, Volume 2, Issue 1, June 2012, c. 139.; [Helena Wood, Reaching the Unreachable: Attacking the Assets of Serious and Organised Criminality in the UK in the Absence of a Conviction, RUSI Occasional Paper, page 2; Jennifer Hendry & Colin King, How far is too far? Theorising non-conviction-based asset forfeiture (2015), International Journal of Law in Context 11, 4, pages 398-411; Liz Campbell, Criminal Labels, the European Convention on Human Rights and the Presumption of Innocence, (2013b) Modern Law Review 76(4) pages 705-706.; RT Naylor, Wash-out: a critique of follow-the-money methods in crime control policy (Crime, L & Soc'l Change 1, 1999); Radha Ivory, Corruption, Asset Recovery, and the Protection of Property in Public international Law, The Human Rights of Bad Guys (Cambridge University Press, 2014), page 107.

Иккинчидан, кўриб чиқилган давлатларнинг ЖК тегишли моддаларидағи қонунга хилоф ҳаракатлар сифатида ўзлаштириш, растрата белгиланганлиги, ушбу жиноятнинг ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларидан фарқлашда қийинчилик келтириб чиқариши олимлар томонидан кўрсатиб ўтилган. Фақат Беларусь ЖКда ушбу масала бўйича ечим берилган бўлиб, хатланган мулкка нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаганида одил судловга қарши жиноятлар сифатида баҳоланиши белгиланган.

Учинчидан, кўриб чиқилган давлатлар ЖКларида ушбу қилмиш одатда умумий тавсифланиб, квалификация қилувчи (жавобгарликни оғирлаштирувчи) ҳолатлар белгиланмаган, фақат Қозоғистон ЖК 425-моддасида хатланган мулкни қонунга хилоф тасарруф этишни а) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, б) такроран содир этилганлиги учун учинчи қисмда; кўп микдорда содир этилганлиги учун тўртингчи қисмда, а) жиноий гурух томонидан, б) жуда кўп микдорда содир этилганлиги учун бешинчи қисмида алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Тўртингидан, Молдова жиноят қонунчилигида юридик шахсларнинг ҳам жавобгарлиги назарда тутилганлиги сабабли, ўрганилаётган жиноят учун (масалан, банк, кредит ташкилоти томонидан хатланган ҳисоб рақамлар билан банк операцияларини ўтказганлик учун) юридик шахслар ҳам жавобгар бўлиши белгиланган.

Бешинчидан, кўриб чиқилган давлатлар жиноят қонунларида бундай қилмишлар учун жарима ва 3-5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса, Қозоғистонда 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

2. Бошқа хорижий давлатлар жиноят қонунларида кўриб чиқилаётган жиноят мулк билан, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумига киритилган. Бир қанча давлатларда, жумладан Германияда бундай жиноятлар жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатиладиган ишлар тоифасига кириши белгиланган. Бошқа бир давлатларда, жумладан Францияда бундай қилмишлар учун юридик шахслар ҳам жавобгар бўлиши назарда тутилган. Бундай жиноятлар учун жарима ва 3 йилгача бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Жиноят қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда квалификация қилувчи белгилар назарда тутилмаган. Нафақат, хатланган мулкни тасарруф қилиш, ўзлаштириш, нобуд қилиш ёки шикаст етказганлик учун, балки ундан ноқонуний фойдаланганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган.

### **Адабиётлар рўйхати:**

- |   |   |     |
|---|---|-----|
| 1. Уголовный  | кодекс  | РФ. |
| <a href="https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/63dbd5603f025ef7b641669fa3ffd/">https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/63dbd5603f025ef7b641669fa3ffd/</a>                   |   |     |
| 2. Кирьянов А.А. Незаконные действия в отношении имущества, подвергнутого описи или аресту либо подлежащего конфискации // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. № 1. (97) 2023. С. 87-92 |   |     |
| 3. Уголовный кодекс Украины. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.03.2023 г.)   | <a href="https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109&amp;pos=3579;-84#pos=3579;-84">https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109&amp;pos=3579;-84#pos=3579;-84</a> |     |

4. Уголовный кодекс Республики Беларусь (с изменениями и дополнениями по состоянию на 09.03.2023 г.) [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30414984#pos=3509;-58](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30414984#pos=3509;-58)
5. Уголовный кодекс Республики Казахстан. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 24.07.2023 г.) [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575252&pos=6383;-31#pos=6383;-31](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=6383;-31#pos=6383;-31)
6. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 30.05.2023 г.) [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353#pos=3617;-58](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353#pos=3617;-58)
7. Уголовный кодекс Республики Армения. <http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1349&lang=rus&sel=show#31>
8. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики. (по состоянию 07.07.2023 г.) <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112309>
9. Уголовный кодекс Республики Таджикистан. (по состоянию 24.07.2023 г.) <http://ncz.tj/content....>
10. Уголовный кодекс Туркменистана. [http://www.untuk.org/publications/legislation/ug\\_kod/rz\\_10.htm#st206](http://www.untuk.org/publications/legislation/ug_kod/rz_10.htm#st206)
11. Уголовный кодекс Республики Молдова. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.07.2023 г.) [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30394923#pos=3393;-56](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=3393;-56)
12. Головнёнов П. В. Уголовное уложение Федеративной Республики Германия – Strafgesetzbuch (StGB). Научно-практический комментарий и перевод текста закона. С.395
13. Уголовный кодекс Франции. [https://yurist-online.org/laws/foreign/criminalcode\\_fr/\\_doc-5-.pdf](https://yurist-online.org/laws/foreign/criminalcode_fr/_doc-5-.pdf)
14. Robert Golobinek, Financial Investigations and Confiscation of Proceeds from Crime. Training Manual for Law Enforcement and Judiciary. CARDS Regional Programme 2002/2003. Council of Europe, c. 9.; <https://www.oecd.org/daf/antibribery/countryreportsonthimplementationoftheoecdanti-briberyconvention.htm.>; M. Michelle Gallant, Money Laundering and the Proceeds of Crime: Civil Remedies and Economic Crime (London: Edward Elgar Publications, 2005), c. 86.; Disposal of confiscated assets in the EU Member States. Laws and Practices. Center for the study of democracy. 2014, c. 18.; Marieta Safta, Ph. D., Presumption of lawful acquirement of property and confiscation of unlawfully acquired property in the case-law of the Romanian Constitutional Court. The reference constitutional framework for regulating of the extended confiscation. Juridical Tribune, Volume 2, Issue 1, June 2012, c. 139.; [Helena Wood, Reaching the Unreachable: Attacking the Assets of Serious and Organised Criminality in the UK in the Absence of a Conviction, RUSI Occasional Paper, page 2; Jennifer Hendry & Colin King, How far is too far? Theorising non-conviction-based asset forfeiture (2015), International Journal of Law in Context 11, 4, pages 398-411; Liz Campbell, Criminal Labels, the European Convention on Human Rights and the Presumption of Innocence, (2013b) Modern Law Review 76(4) pages 705-706.; RT Naylor, Wash-out: a critique of follow-the-money methods in crime control policy (Crime, L & Soc'l Change 1, 1999); Radha Ivory, Corruption, Asset Recovery, and the Protection of Property in Public international Law, The Human Rights of Bad Guys (Cambridge University Press, 2014), page 107.